



Байрамингиз муборак бўлсин, меҳрибон онажонлар, азиз опа-сингиллар!



Shu aziz VATAN — barchamizniki!



ЎЗБЕКИСТОН О'QOVOZI

2014-yil, 8-mart. Shanba • 30 (31.777)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Муҳтарам онахонлар! Қадри опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз орзиқиб кутган сўлим баҳор кираб келиши билан табиат очилиб, кўнгилларимиз ёруғ туйғуларга тўлиб бораётган мана шу шухуҳли айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман. Биз бугун Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган, ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини ўзида мужассам этган аёл зотини, табарруқ оналарни улуглар эканлигини, беихтиёр мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деган мазмундаги ҳикматли сўзларини эслаймиз ва муқаддас Она сингилларимизга таъзим қиламиз.

Ўзининг латофати ва нафосати, вафо ва садоқати, қалб саховати билан оилани оила қиладиган, хонадонларимиз бекаси ва чаргобони бўлмиш сиз, мунис аёлларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, сизларни ҳар қанча эъзозлаб, бошимизга кўтарсак, арзийди, албатта.

Азизларим! Ҳеч кимга сир эмас, мен давлат раҳбари сифатида доимо ўз чикишларимда сиз, аёл зотига юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, олдимизда турган улкан вазибаларни амалга оширишда, рўзгор ва оила тебратишда, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилишда, қайси соҳа бўлмасин, сизларнинг қўшаётган бекиёс хиссангизни ўзимга яққол тасаввур қилиб, сизларга яна ва яна бир бор чўқур миннатдорлик изор этишдан чарчамайман.

Ҳақиқатан ҳам, сиз, азизларнинг юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришдаги ўрнини ва таъсирингизни, чидам ва сабр-бардош, оқиллик ва шукроналик каби фазилатларингизни ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди. Ҳеч иккиланмасдан айтмоқчиман: ўзининг гўзаллиги ва фидойилиги, меҳнатқилиши ва бағрикенглиги билан бизнинг юртимиз аёлларига тенг келадиган аёллар дунёда камданкам топилди.

Ҳурматли ватандошлар! Биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги, иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги нуфузини ошириш бўйича қандай қатта қадамлар қўйганимиз ҳақида ортқача гапиришнинг ҳожаги йўқ, деб ўйлайман.

Бугун биз бошимиздан кечираётган, тез ўзгариб бораётган глобаллашув замонида сизларнинг ҳеч кимдан кам

бўлмасдан, ҳаётимизнинг ҳал қилувчи устувор йўналишларида, замон талаблари билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, улкан ютуқларга эришяётганимизни биз яхши биламиз ва юксак қадраймиш.

Бугунги кунда юртимизда меҳнатга лаёқатли бўлган хотин-қизларимизнинг 62 фоиздан зиёди иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасида фаол меҳнат қилмоқда. Тан олиш керакки, аёллар бандлиги ҳақида сўз юритганда, биз одатда хотин-қизларнинг меҳнати асосан таълим соҳасида, аввало, боғча ва мактабларда, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида, енгил ва озиқ-овқат саноати, қайта ишлаш тармоқлари каби анъанавий йўналишларда, маданият ва санъат соҳасида кўпроқ талаб этилади, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганмиз.

Шу муносабат билан бундай эскича қарашларни рад этадиган, ҳеч шубҳасиз, кўпчилиқда қизиқиш уйғотадиган баъзи бир аниқ рақам ва мисолларни келтиришни ўринли деб биламан.

Мисол учун, бугунги кунда фақатгина умумий ўрта таълим мактабларида хизмат қиладиган муаллим ва мураббийларнинг 70 фоизга яқинини аёллар ташкил қилади. Айни вақтда таълим-тарбия соҳасида энг замонавий босқич бўлмиш касб-ҳуна коллежлари ва академик лицейлар тизимида меҳнат қиладиган опа-сингилларимизнинг улуши қарийб 50 фоизни, олий ўқув юрларида эса аёл профессор-ўқитувчилар 43 фоизни ташкил этиши алоҳида эътиборлидир.

Ёки соғлиқни сақлаш тизимини оладиган бўлсак, соҳадаги тиббий хизматчиларнинг 78 фоизи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг салкам 53 фоизи врач аёллардир. Улар тиббиёт соҳасининг деярли барча тармоқларида, жумладан, энг мураккаб, юқори технологияларга асосланган, иختисослашган йўналишларида фаол иш олиб бормоқда. Шифокор аёлларимизнинг 1 минг 100 нафардан ортиги илмий даражага эга бўлиб, бу олий малакали врачлар умумий сонининг 37 фоизини ташкил қилади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва технологик янгилаш бўйича амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларимиз натижасида иқтисодиётнинг автотомобилсозлик, микробиология, фармацевтика, электрон ва электротехника соҳаси, ахборот-коммуникация технологиялари, сервис ва бозор иқтисодиёти хизматлари каби юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқларида ҳам хотин-қизларнинг хиссаси тобора ортиб бормоқда.

Давоми 2-бетда.

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ



Меҳр-муҳаббат, гўзаллик, фидойилик рамзи

«Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга ошириладиган ислохот-

лар жараёнида хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Халқаро хотин-қиз-

лар куни муносабати билан бўлиб ўтаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Давоми 2-бетда.

Хусусийлаштириш ривожланишини, иш ўринлари барқарорлигини кафолатлаши лозим

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича фракциялараро мунозаралар тобора кизгин тус олмоқда.

Депутатлар мустақилликнинг дастлабки йилларидаги иқтисодий ислохотлар жараёнида хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни ҳозиргача Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишини таъминлашда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ўзига хос тарзда амалга оширишда муҳим ҳужжат сифатида хиз-

мат қилганини таъкидлашмоқда. Шу билан бирга, замонавий бозор иқтисодиёти муносабатлари, талаблари ўзгараётган, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хизмат кўрсатишни кенгайтириш, умуман, иқтисодиётни ислоҳ қилиш мезонлари тубдан такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитда хусусийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларга ечим топиш тақозо этиляпти.

Давоми 3-бетда.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси йиғилишида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан тақдирлар тайёрлаш бўйича фракция аъзолари ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилган эди. Айни пайтда мазкур ишчи гуруҳ қонун лойиҳасини такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда. Хусусан, қонун лойиҳаси мазкур соҳадаги ҳуқуқий механизмлар, амалиётнинг бугунги ҳолати, муаммо ва камчиликлар, партиянинг дастурий мақсадлари ва электротар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилмоқда.

Қонун лойиҳаси ишчи гуруҳида муҳокама этилди

Ишчи гуруҳнинг яқинда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида қонун лойиҳасини биринчи ўқишга киритиш ва унда фракция позициясини шакллантириш масаласи муҳокама этилди. Йиғилишда асосий эътибор қонун лойиҳасининг концепциясига қаратилди. Таъкидланганидек, ижтимоий шерикликнинг асосий йўналишлари ҳисобланган аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, иш билан таъминлаш, барқарор ва соғлом авлоднинг шакллантириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар партияимиз дастурий мақсадларини амалга ошириш, электротар манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқароларимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик социал-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва шунга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишда аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олинишига хизмат қилади. Ишчи гуруҳ таркибидаги олимлар ва экспертларнинг фикрича, ижтимоий шериклик институти мамлакатимизни ижтимоий, социал-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларни ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини ўзида ифода этиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ишчи гуруҳ қонун лойиҳа-

сини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлаш ҳақида фракция позициясини шакллантириш ва фракция мажлисида муҳокама қилиш учун тақдим этди.

Шу билан бирга йиғилишда иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қонун лойиҳасида электротар манфаатларининг аниқ ифода этилишига эришиш юзасидан долзарб вазибалар белгилаб олинди. Бунинг учун, аввало, соҳадаги етук мутахассислар, олимларни жалб этган ҳолда давра суҳбатлари ўтказиш муҳимлиги таъкидланди. Бу борада ЎЗХДП Марказий Кенгаши ҳамда маҳаллий партия кенгашлари билан ўзвий алоқада иш олиб бориш талаб этилади. Яъни, қонун лойиҳасини партия фаоллари иштирокидаги кенгайтирилган мажлисларда кенг муҳокама қилиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларида таҳлил этиш, депутатларнинг фикрларини ҳам ўрганиш лозим. Таъкидлаш керакки, бу амалиёт ўзининг ижобий натижасини бериши табиий. Чунки, қонун лойиҳалари муҳокамасидаги бундай ёндашув, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлигини, муҳими уларда партия электротар манфаатлари тўлиқ ифода этилишини таъминлайди. Йиғилишда қонун лойиҳасини партия мақсадлари ва электротар манфаатлари нуктаи назардан такомиллаштиришга қаратилган бошқа муҳим вазибалар ҳам белгилаб олинди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Икром ҚОРАТЎЕВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши ижроия кўмитаси аъзоси:



— Уйингиз остонасида Сизни меҳр, муҳаббат, бахт кутиб олади. Ўша лаҳзаларда салтанатдан тоғ ағдарилгандай, дунё ташвишларини унутасиз. Қалбингиз ором олади. Юрагингиз шодликка тўлади. Аслида ҳаётнинг мазмуни, қувончи шу эмасми.

Турмуш ўртоғим билан ўттиз йилдан буён аҳил, иноқ яшаб келяпмиз. Икки нафар келиним, тўрт нафар қиз набирам бор. Уларсиз дил ёришмайди.

Бизнинг бахтимизга онажонларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимиз, опа-сингилларимиз доимо соғ-салолат бўлишсин.

Аёл бахтли бўлса, ҳамма бахтли бўлади. Аёл соғлом бўлса, оила, жамият соғлом бўлади.

Хотин-қизларимизни байрам билан чин дилдан табриқлайман.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Хотин-қизлар байрамига бағишланди

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 106-зиёф эшитувчи болалар учун иختисослаштирилган мактаб-интернатиди 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда ЎЗХДП фаоллари, депутатлар ҳамда маданият ва санъат намоёндалари иштирок этди.

Тадбирда мактаб-интернат тарбияланувчилари томонидан тайёрланган байрам дастури намойиш этилди. ЎЗХДП Марказий Кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори муdiri Гулшан Асатова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи

аъзолари Нигора Эшметова, Мақсуд Қосимов ва бошқалар мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси борасида олиб бориладиган ишлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўз муҳбиримиз.



Лекин менга буюрса, ҳам давлат хизматини, ҳам жамоат ишини, ҳам оила ва рўзгор юмушларини, ҳам фарзанд тарбиясини қойил қилиб бажариб келаётган барча-барча аёлларни қаҳрамон деб айтган бўлардим

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Бугунги кунда аёлларимизнинг нозик қўллари, интеллектуал салоҳияти, тиришқоқлиги ва маҳорати билан мазкур соҳалар юртимизда кенг ривож топмоқда, бошқача айтганда, аёл зоти ана шу ўта мураккаб жаҳада ҳам барчани қойил қолдирмоқда.

Мамлакатимиздаги мобил алоқа ва интернет-провайдер операцияларини бажарадиган муассасаларда ишлаётган ходимларнинг қарийб 55 фоизини, молия ва кредитлаш соҳасида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг эса 43 фоиздан ортигини олинганларимиз ташкил этаётгани ҳам бу фикрнинг амалий тасдиғидир.

Бугунги ҳаётимизнинг яна бир муҳим, ўзига хос жиҳати сўнги йилларда тadbиркорлик, хусусий ва оилавий бизнес соҳасида ҳам аёлларнинг иштироки кучайиб бораётганидан намоян бўлмоқда. Бунинг охириги ўн йилда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробар ошгани, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини айнан улар бошқараётгани мисолида кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатчиларнинг қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бинобарин, юртимизда мўл-кўл пахта ва галла, пилла, сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга, бозор ва дўконларимиздаги тўқинчилик ва арзончиликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётган захматкаш ва фидойи опа-сингилларимизга ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди, албатта.

Бугунги кунда хотин-қизларимиз мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамятини барпо этиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, минглаб аёллар сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органларида, нодавлат ташкилотлар тизимида самарали иш олиб бораётганини айтиш ўринлидир. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида 33 нафар, Сенат таркибида 16 нафар аёл депутат борлигини, дунёдаги санокли давлатлар қаторида мамлакатимиз парламентининг куйи палатасининг раиси ҳамда юқори палатаси раҳбарининг ўринбосари сифатида аёллар фаолият

кўрсатаётгани, шунингдек, Бош вазир муовини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарларидан бири аёл эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Маҳаллаларимизда маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиликдек энг нозик, энг мураккаб вазифани ўз масъулиятига олган, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёш оилалар, айниқса, энди ҳаётга қадам қўётган қизларимизга тўғри йўл кўрсатиш, уларнинг ташвиш ва муаммоларини ечишда энг яқин изохор этини ўзимнинг бурчим деб биламан.

Мустақиллик йилларида юртимизда 13 нафар опа-сингилларимиз «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий унвонга мушарраф бўлдилар. Лекин менга буюрса, ҳам давлат хизматини, ҳам жамоат ишини, ҳам оила ва рўзгор юмушларини, ҳам фарзанд тарбиясини қойил қилиб бажариб келаётган барча-барча аёлларни қаҳрамон деб айтган бўлардим. Мана шундай мураккаб, керак бўлса, эркаклар ҳам кўтаролмайдиган оғир вазифаларни ўзининг нозик елкасида кўтариб келаётган, нолимасдан, доимо шукроналик билан яшайдиган аёллар билан барчамиз ҳақли равишда фахрланишимиз, улардан ўрнак олишимиз лозим.

Қадрли опа-сингиллар! Юртимизда 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши аввало аёлларимизнинг кўнглидаги иш бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилсангиз. Нега деганда, боланинг соғлом туғилиши, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол авлод бўлиб воғга етиши, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллаш қандай буюк ва бебаҳо бахт эканини биринчи навбатда она зоти теран англайди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида ўз ифодасини толган, хусусан, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизни обод қилиш бўйича кенг қўламли ишларимизни изчил давом эттириш, янги-янги корхоналар, мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт, маданият ва спорт объектлари, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 11 минг-

та замонавий уй-жой барпо этиш каби кўлаб тadbирлар ҳам аввало ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўлида янги, амалий қадам бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, мазкур дастур доирасида жами 4 триллион 509 миллирд сўмдан зиёд ва салкам 303 миллион доллар миқдоридаги маблағ сарфлаш белгиланган бўлиб, бу халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, аёлларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилади. Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, хотин-қизларимиз учун янада кулай шароит яратиш, уларнинг оғирини энгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакаси, истеъдод ва салоҳиятини амалда намоян этишига кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг онгини четдан ёпирилиб келаётган турли хавф-хатарлар, «оммавий маданият» хуружидан сақлаш, оилаларда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизнинг самарасини ошириши бугун тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу борада мен жондан азиз фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни болаликдан бошлаб замонавий билим ва касб-хунарларга, маданият ва спортга ошно этиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш, каби муҳим вазифаларни амалга оширишда сиз, муртабам аёлларимизга, сизларнинг ақл-заковатингиз, жонқурлик фазилатларингизга таянаман.

Азиз ва қадрли опа-сингиллар! Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамнингиз билан яна бир бор табриқлар эканман, барчангизга сизларнинг саломатлиги, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Умрингиз узок, иқболингиз зиёда бўлсин! Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга осин!

Доимо оилангиз ва фарзандларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Меҳр-муҳаббат, гўзаллик, фидойилик рамзи

«Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тadbир бўлиб ўтди

Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар 7 март куни Тошкентдаги хуруритимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Пойтахтимиздаги ибратли маҳаллар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари фаолияти мисолида оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, қизлар саломатлиги ҳақидаги гамхўрликнинг самаралари билан таниди.

Шу кун «Туркистон» саройида ушбу сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ижтимоий-иқтисодий, илм-соҳалар, маданий-маърифий фондларимизга фидоқорона меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчи-

си Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳеч қимдан кам бўлмаган авлодни воғга етказиш, уларга замонавий касб-хунар сирларини ўргатиш, Ватанимиз обрўси ва нуфузини тобора юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида хотин-қизларга хизмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташкил этилиши хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби эзгу йўналишлардаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармони аёлларни ижтимоий ҳимоялашга оид ишларни қучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, фаолияти хотин-қизларга оид жа-

моат тузилмалари ишини доимий мувофиқлаштириш бўйича амалий чора-тadbирларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Она ва бола скрининги, перинатал марказлари, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари хотин-қизлар саломатлигига гамхўрликни янада кучайтириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, бадий гимнастика, синхрон сузиш каби спортнинг нафис турлари жадал ривожланиб, жаҳон андозалари даражасидаги мактаблар, спорт-соғломлаштириш мажмуаларининг барпо этилаётгани чекка ҳудудларда ҳам қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бир қатор ижтимоий дастурлар самарасида аёлларни иш билан таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. 2013 йилда хотин-қизлар учун 466 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ўз бизнесини бошлаш истагидаги хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар учун имтиёзли кредитлар ажратишга катта аҳамият берилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар аёлларнинг оғирини энгил қилиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

— Хотин-қизларни қадрлаш, доимий эътибор ва гамхўрликни кундалик турмушда, меҳнат фаолиятимизда, фарзандларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб воғга етказишда ҳис этмоқдамиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулхумор Айтбоева. — Давлатимиз раҳбари томонидан Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, қизлар саломатлиги ҳақида гамхўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортимоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 3 мартда қабул қилган қарорига мувофиқ бу йил 16 кизга Зулфия номидаги Давлат муқофоти берилди. Бу истеъдодли қизларни рағбатлантириш борасидаги гамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир. Тadbирда мазкур муқофотлар топширилди.

Зулфия номидаги Давлат муқофоти соҳиблари — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Айжамал Жолдасбаева, Қарши давлат университетининг 4-босқич талабаси Мафтуна Нодирова, Навоий вилояти Зарафшон компьютер технологиялари коллежи 1-босқич ўқувчиси Зария Қосимова истеъдодли қизларни кўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни жамят ҳаётини фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва гамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Оиласида ўғил тарбиялаётган ҳар бир ота она фарзанди юрт ҳимоячиси бўлиши ёки ички ишлар тизимида эл осоишталигини кўриқлашини орзу қилади. Бу кишини ҳайратга соладиган ҳолат эмас, балки одатий ҳолдир. Чунки, юрт ҳимояси ҳар бир йигит учун чинакам фахр-ифтихор ҳисобланади. Бирок ёшлигидан ҳарбий соҳага қизиққан, мамлакатимизда тинчлик ва осоишталикни сақлашдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшишни ният қилган қизларимиз ҳақида гапиршдан олдин бироқ ўйлашга, мушоҳада юритишга тўғри келади.

Негаки, Ички ишлар идоралари тизимида меҳнат қилиш, йигитлар билан бир сафда туриб, машаққатли ва масъулиятли касб вазифасини адо этиш учун катта жасорат, матонат ва қатъият керак...

Ички Ишлар вазирлиги Академияси Маънавият тарғибот маркази 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳар қачонгидан тароватли ва кўркам қиёфа касб этди. Ички ишлар тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг хурсандчилиги ва латиф табассумлари сахнага ўзгача сайлаш этди. Бу ерда Ички Ишлар вазирлиги Академияси тингловчи ва кур-

Жасорат, шижоат ва назокат намойиши

сантиқларини Ватанга муҳаббат, танлаган касбига садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ўқув ва хизмат интизомига риоя этишини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Балли қизлар» кўрик-танлови ташкил этилди.

Академиянинг Маънавият тарғибот марказига биринкети соҳа ходимлари кириб келмоқда. Айниқса, ҳарбий либослари ўзларига ярашган хотин-қизлар диққатни тортади. Академиянинг 2-ўқув курсида таҳсил оламани, дейди Мухайе Шукурова. — Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридан келганман. Ёшлигимдан ҳарбий либос кийишни орзу қилардим. Дугоналарим орасида кимдир шифокор, кимдир ўқитувчи, яна кимдир эса чевар бўлишни орзу қиларди. «Мен Ички ишлар тизимида ишламан, юрт ҳимоячиси бўламан», десам кўпчилик ҳайратланарди. Ана шу орзу-мақсад мени шу даргоҳга етаклади. Бугун ҳарбий либосдан, ўзимда катта куч, жасорат ва албатта, фахр-ифтихорни туяман. Шунини айтмоқчиманки, агар

аёл ўзини нафақат аёл, балки инсон сифатида жамятдаги ўрнини англаса, қизиқиши ва қобилиятини тўғри йўналтири оلسа, бу билан нафақат ўзи, оиласи, балки жамят манфаатига хизмат қилган бўлади.

Сўхбатдан сўнг сахна томон ошдиқан Мухайе бизга юзланиб, яна бир гапни таъкидлаб кетди: — Ўйламанг, бу қизлар фақат ҳарбий соҳа сир-асрорларини билади, деб. Ҳозир танловда кўрасиз, биз оилада суюкли ёр, меҳрибон она, сариштали бека, жамятда фаол ва фидойи эканлигимизни кўрсатамиз... Кўрик-танлов бошланди. У икки босқичда амалга оширилиб, ҳар бир босқич муайян шартни бажаришдан иборат бўлди. Уларни бажарган тингловчи ва курсант қизларимиз ўзларининг касбий билим ва амалий кўникмалари билан бирга, зукколик, спорт, пазандлик, санъат бўйича маҳоратларини намойиш этди. — Жорий йилнинг 16 февраль куни танловнинг биринчи босқич мусобақалари Академия умумқўшин фанлар кафедраси ўқ отиш тирида бўлиб ўтди, — дейди ИИВ



академияси малака ошириш факультети бошлиғи, подполковник, ҳакамлар ҳайъати раиси Олимжон Аҳмедов. — Шу кун кўрик-танлов иштирокчилари спорт тажмуасида 400 метрга югуриш эстафетасида ҳам беллашдилар. Шунингдек, қизлар пазандлик борасида маҳоратларини намойиш қилишди. Бугун эса беллашувнинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда. Танловда 1-ўқув курсининг «Мардона қизлар», Сержантлар тарқибини тайёрлаш Олий курсининг «Шарқнинг етти маликаси», 3-ўқув курсининг «Кўхинур» ва 2-ўқув курсининг «Шаддод қизлар» жамоалари танишув, ижодий

беллашув ҳамда уйга вазифа шартлари бўйича беллашди. Ҳар бир сахна кўриниши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Бунда кўтарилган мавзунинг долзарблиғи, тарбиявий аҳамияти ва иштирокчиларнинг актёрлик қобилиятига алоҳида эътибор қаратилди. Кўрик-танлов сўнггида голиблар аниқланди. «Шарқнинг етти маликаси» жамоаси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Голиблар ва иштирокчиларга Академия томонидан эсдалик совғалари топширилди. **Лазиза ШЕРОВА,** «Ўзбекистон овози» мухбири.



Хусусийлаштириш ривожланишни, иш ўринлари барқарорлигини кафолатлаши лозим

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИНING ПОЗИЦИЯСИ

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш белгилаб берилган.

«Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айни шу мақсадда ишлаб чиқилган. Унда иқтисодиётда хусусий сектор улусини кенгайтириш ва кўпайтириш, хусусийлаштириш бешимларининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш, инвесторларнинг барча тоифаларига бир хил қулайликлар яратиш, бу борада замонавий стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги хусусийлаштириш амалиётини тартибга солиш масалалари кўзда тутилган.

Қонун лойиҳасида асосий тушунчаларга таъриф берилган. Хусусан, «инвестициявий мажбуриятлар» ва «ижтимоий мажбуриятлар» каби тушунчаларга таърифлар келтирилган, шунга мувофиқ равишда тегишли меъёрлар кўзда тутилган.

Давоми. Боши 1-бетда.



хусусийлаштириш жараёнларини ҳар томонлама такомиллаштиришда муҳим ўрин тутиши айтиляпти.

ЎзХДП фракцияси хусусийлаштириш масаласига партия дастурида белгиланган вазифалар амалга ошириш нуктаи назаридан ёндашаёти. Фракция аъзоларининг қайд этишича, хусусийлаштириш жараёнларининг самарали йўлга қўйилиши иш ўринларини ташкил этиш, сақлаш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойитиш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига ижобий таъсир этиши билан аҳамиятли.

Бирок ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳасидаги бир қатор муҳим масалалар бўйича ЎзЛиДеП фракциясининг позицияси билан келиши олмаяпти.

ЎзЛиДеП фракцияси хусусийлаштириш жараёнлари бир неча босқичларни (хусусийлаштириш бўйича тақдим этилган буюртмаларни кўриб чиқиш, хусусийлаштириш давлат дастурини тайёрлаш, хусусийлаштиришга оид объект нархини белгилаш ва ҳ.к.) қамраб олишини назарда тутиб, уларни амалга ошириш муддатлари аниқ чеклаб қўйилмаганига эътибор қаратаёпти. Уларнинг фикрича, хусусийлаштириш жараёнларида ортиқча расмийлаштирилган юзга келмаслиги ҳамда муддатларнинг асосий узайтирилмаслиги учун хусусийлаштириш босқичларининг аниқ муддатлари белгиланиши қонун талабларини янада кучайтиради. ЎзЛиДеП фракцияси бунда муддатлар имкон даражасида қисқа бўлиши керак, деб ҳисобламакда.

ЎзХДП фракцияси эса хусусийлаштириш масаласида шовша-шовшарлик мақсадга мувофиқ эмаслигини айтмоқда. Фракция аъзоларининг таъкидича, давлат мулки бўлган объектларнинг хусусийлаштирилиши маълум ҳолларда хусусийлаштирилаётган объект билан боғлиқ меҳнат жамоалари манфиатлари, қонуний ҳақ-хуқуқлари узвий алоқадордир.

Бирок ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳасидаги бир қатор муҳим масалалар бўйича ЎзЛиДеП фракциясининг позицияси билан келиши олмаяпти.

Хусусийлаштиришнинг мақсади давлат мулкани имкон қадар тез муддатда бошқа шахсга сотиш бўлмаслиги керак. Аксинча, муайян объект ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ривожлантириш кафолатлари таъминланган ҳолда, хусусийлаштиришга берилиши лозим. Қонун лойиҳаси билан яратилаётган ҳуқуқий тизим, аввало, шунга хизмат қилиши талаб этилади.

Албатта, тадбиркор, яъни давлат мулкани хусусийлаштириб олаётган шахс қисқа фурсатда бунга эришишни истайди ва бу табиий. Лекин мазкур жараёнда хусусийлаштирилаётган объектнинг келажаги қандай бўлиши, меҳнат жамоаларининг манфиатлари қай даражада ҳимоя қилиниши кафолатлари таъминланиши долзарб масаладир.

ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳасида хусусийлаштириш объектнинг бўлган мулкнинг ҳуқуқини расмийлаштириш тартиби билан боғлиқ белгиланаётган меъёрларни ҳам такомиллаштириш керак, деб ҳисоблайпти.

Қонун лойиҳасига кўра, хусусийлаштириш объектга бўлган

мулкнинг ҳуқуқ янги мулкдорга бундай ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатни олган пайтдан бошлаб ўтиши, мулкнинг ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни бериш тартиби ва шартлари эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаши назарда тутиляпти.

ЎзХДП фракцияси аъзоларининг фикрича, хусусийлаштириш объектга бўлган мулкнинг ҳуқуқ кафолатлари қонун лойиҳасида аниқ-равшан белгилаб қўйилиши лозим. Мулкнинг ҳуқуқини расмийлаштириш жараёнида турли хил сансолиқлар, бюрократик тўсиқлар юзга келишига, шунинг натижасида меҳнат жамоалари, умуман, давлат ва жамият манфаатларига зиён етишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўринда қонуннинг ҳавола нормалар орқали эмас, тўғридан-тўғри ижро этилиши масаласига эътибор қаратиш керак бўлади.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, ижтимоий мақсадлардаги объектларни хусусийлаштиришнинг мажбурий шартлари назарда тутиляпти. Унга асосан ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг фаолият йўналишини хусусийлаштириш шартлари тўғрисидаги қарор билан белгиланган муддат мобайнида, лекин хусусийлаштирилган пайтдан бошлаб уч йилдан кам бўлмаган муддатга сақлаб қолиш (қонун ҳужжатларида, шунингдек, давлат мулки бўлган объектларни тасарруф этувчисининг қароридан бошқариш бўлмаган ҳоллар бундан мустасно) белгилаб қўйилапти.

Бунда кўрсатилган объектлар мақсадларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат мулки бўлган

объектларни тасарруф этувчиси билан келишган ҳолда амалга оширилади. Хусусийлаштирилган ижтимоий соҳа объектларнинг фаолият мақсадини сақлаш шартлари белгиланган муддат мобайнида харидор томонидан бузилган тақдирда ваколатли органнинг талабига кўра (агар шартномада тарафларнинг келишуви билан бундай шарт белгиланган бўлса) олдистоти шартномаси суд қарори бўйича ёки бир томонлама тартибда бекор қилиниши кўзда тутиляпти.

ЎзХДП фракцияси бу ўринда ваколатли орган билан бирга, ўша ҳудудда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам ваколат бериш масаласига эътибор қаратмоқда. Бу тақлиф ҳудудлардаги турли ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий имкониятларини кенгайтириш бўйича юртимизда олиб борилаётган ёндашувга мувофиқдир. Фракция аъзолари мазкур масаланинг ижтимоий шериклик асосидаги муносабатларни такомиллаштиришдаги аҳамиятини ҳам қайд этишмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қонун ижодкорлиги жараёнига жорий этилган демократик мезонлар фракцияларга қонун лойиҳаси ҳақидаги қатъий позицияларини шакллантириш ҳамда ҳимоя қилиш имконини яратиб берган. Ҳар бир тақлиф ёки мулоҳаза кенг ва атрофлича кўриб чиқилади. Кескин муҳокамалар жараёнида асосли, деб топилган тақлифларга қонун лойиҳасида акс этади.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Олмани пўсти билан ейиш

кони фойда

Олмани пўсти билан истеъмол қилишни ота-боболаримиз бежиз ўқирмаган. Бунинг илмий тадқиқотлар яна бир бор исботлади.



Гап шундаки, Айова университети олимлари айтишича, олма пўстида урсол кислотаси мавжудки, у тана мускулларига алоҳида куч бағишлайди ва танандаги ёғларни парчалаш хусусиятига эга. Бу эса одамларни ортиқча вазндан халос этишини англатади.

Олимлар кемирувчиларда тажриба ўтказиб, шундай хулосага келдилар, дея хабар беради «The Times of India» газетаси.

Маълумки, организмда «оқ» ва «кўнгир ёғ»лар мавжуд бўлиб, «оқ ёғ»лар организмда энергия тўпласа, «кўнгир ёғ»лар эса уни сарфлайди. «Кўнгир ёғ»лар болаларда кўп бўлади. Улар улгайган сари бу ёғлар миқдори камайиб боради. Ёъни, ортиқча вазн йиғишга мобиллик пайдо бўлади. Олма пўсти таркибидаги бирикма — урсол кислотаси эса «кўнгир ёғ» миқдорини оширади.

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»
унитар корхонаси жамоаси

мунис ва мўътабар онажонларимизни, меҳридарё опа-сингилларимиз-у, лобар қизларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куну билан табриклайди!

Она диёримизда баҳор, кўклар нафаси уфуриб турган шу нурафшон кунлардаги қувонч йил бўйи ҳамроҳингиз бўлсин!

8 mart

Аёллик таровати, суюкли бўлиб юриш бахти, гўзаллик ва нафосат сиз, азизларни асло тарк этмасин!

Реклама ўрнида Амалий ҳамкорликни мустақкамлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тақлифи бўйича 2014 йил 25-28 февраль кунлари мамлакатимизга Корея Республикаси делегацияси ташриф буюрди.

27 февралда Тошкентда Ўзбекистон бизнес-форуми доирасида ҳар икки мамлакат ишбилармонларининг кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда Корея Республикасида ишлаб чиқарувчилар ва савдо компанияларининг 40 га яқин вакиллари, Ўзбекистон Республикасида катта ва ўрта корхоналарнинг 120 дан ортиқ вакиллари, шунингдек, хусусий тадбиркорлар қатнашди.

Форумни ўтказиш жараёнида Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Савдо соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника саноати соҳасидаги истиқболли инвестиция лойиҳалари кўриб чиқилди. Бизнес-форум натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Корея Республикасининг Халқаро савдо ассоциацияси ўртасида Меморандум имзоланиб, унга кўра томонлар икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида амалий ҳамкорликни ўрнатиш жараёнида кўмаклашишга келишди.

Бундан ташқари, жамғарма, идоралар вакиллари ва мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан корейс компаниялари билан умумий қиймати 40,7 миллион АҚШ доллари бўлган 10 та битим имзоланди. Форумни ўтказиш пайтида Корея Республикасининг қатор компаниялари ва Миллий банк миқдорлари ўртасида битимга эришилди. Шу жумладан, HEUNG GWANG Co.Ltd. компанияси томонидан «Омад-Норкулов» ва «Шермухаммад бобо» фермер хўжаликлари ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилиш бўйича умумий қиймати 1,6 миллион АҚШ доллари бўлган 3 та битим тузилди.

Миллий банк матбуот хизмати

Экспорт ҳажми ортмоқда

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Хоразм филиали ташкил этилди.

долларига яқин маҳсулотлар Россия ва Жанубий Корея давлатларига экспорт қилинди. Бундан ташқари, вилоятнинг барча туманларида тадбиркорлар билан давра сўбатлари ўтказилмоқда ва жамғарма томонидан кўрсатилмаган хизматлар, тадбиркорларимиз учун яратилаётган қулайликлар, имтиёзлар ва шароитлар ҳусусида тўлиқ маълумотлар берилмоқда. Бунинг натижасида вилоятимиздаги ўнлаб тадбиркорлар, жумладан, Хонқа туманидаги «Жиласун Тошкент» МЧЖ ва бошқалар жамғарма ҳамда унинг хорижий ҳамкорлари ҳисобидан хорижий ярмарка ва кўргазмаларда қатнашиш истagini билдирди. Бу кўргазмаларда чет эллик ҳамкорлар билан уларнинг экспорт шартномалари имзоланиши режалаштирилди.

Юқоридаги каби чора-тадбирлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширади ҳамда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиради.

Хушнуд НАЗАРОВ, жамғарма Хоразм филиали директори.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходим Шоира Хайдаровага падари бузруқвори Тўхтасин отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ИНТЕРНЕТ-ТАБРИК



Хар йили 8 март кунини кўнгирак қилиб, онажонимни ва қариндошларимни байрам билан табриклайман.

«Онам меҳрини ер юзининг исталган жойида ҳис этаман»

Ривожиддин ТУРСУНОВ, Малайзия: — Оқила ва гўзал аёллар ғам-хўрлиги, меҳрибонлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият муҳитини сақлаб турадилар. Айниқса, ўзбек аёлига доимо таъзим қилса, кўларга кўтарса арзийди.

рорлари ва сабоқларини онанинг меҳру саховатидан ўрганган. Мен меҳрибон онажоним ва синглимни ҳам ушбу байрам билан табриклайман. Бахтимизга аёлларимиз доимо соғ-саломат бўлсин, хурсандчилик уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

ни байрам билан чин дилдан муборакбод этаман. Мана шундай имкониятни яратиб берган севимли газетам «Ўзбекистон овози»га ҳам алоҳида ташаккур. Тахририятда фаолият юритаётган барча хотин-қизларни табриклайман.

билан шу воқеани эсласак, кайфиятимиз кўтарилади.

Хорижга йўл олганимдан сўнг ҳар йили онамни 8 март байрамида кўнгирак қилиб табриклайдиган бўлдим. Стипендиямдан ортириб, ўзингизга кийим олинг, деб онамга жўнатгандим. Таътилда уйга борсам, ўша пулга онам менга уст-бош харид қилибди. Менинг онам — шундай меҳрибон аёл. Онам меҳрини ер юзининг исталган жойида ҳис этаман. Ҳар гал телефон орқали синглимни, холаларимни ҳам табриклайман.

Қаерга бормаи, ҳамма ўзбек қизларини «чиройли, доно, зукко» деб макташади. Юртимиздаги барча хотин-қизларни 8 март байрами билан табриклайман. Юзингиздан табассум аримасин, орзуларингиз рўёбга чиқсин, халқимизга хос бўлган ор-номус туйғуси сизни тарк этмасин.

Шермурод ДИЛМУРОДОВ, Малайзия:

— Ўзбегим аёллари! Сизларни халқаро хотин-қизлар кунини билан табриклайман. Доимо гўзаллик элчиси бўлиб юринглар.

Энг қадри инсоним — онажонимни ҳам кутлайман. Боғчада тарбиячимиз ҳамма болаларга рангли қоғоз бериб, оналар ва онасингиллар учун гул ясашни ўргатганди. Ушанда мен ҳам онамга деб, гул ясаганман.

Малайзияга ўқишга келишдан олдин онамга сумка совға қилган эдим. Таътил вақтида уйга борганимда ўша совгани кўрсатиб «шу сумкани берганимда жуда хурсанд бўлгандим, ҳалигача кўлимдан қўймайман» деб айтганди.

Ҳар йили 8 март кунини кўнгирак қилиб, онажонимни ва қариндошларимни байрам билан табриклайман.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АЪЗАМ тайёрлади.

Аёл бор жойда меҳр бор...

аёл бор жойда муҳаббат мужассам


Ашурали Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

— Инсоният тирикликни аёлсиз тасаввур қила олмайди. Уни қанча қуйласак, мадҳ этсак, барибир қандайдир туюлаверадим. Агар бутун дунё шоирларининг аёлларини, хотин-қизларини улугловчи шеърларини бир жойга тўпласак борми, тоғларни кўз олдингизга келтираверинг. Шундай бўлса-да, нимадир камдек.

Кўп вақтдан бери ўзбек шоирларининг она ҳақидаги шеърларини йиғиб юрардим. Мақсадим аёл сиймосини тўлароқ гавдалантира оладиган китоб яратиш эди. Бу гоёни нашриёт раҳбарларига айтсам, маъқуллашди. Китоб тез орада «Онажон» номи билан нашрдан чиқди. Аммо барибир кўнглим тўлмади, нимадир қолиб кетгандай, айтилмагандай.

Шеърларнинг бирортасига ҳам қалам теккизмадик. Чунки ҳамма ўз онасини кўз олдида келтириб ёзади. Шунданми шоир туйғулари ҳеч қандай тахирисиз, асл ҳолича қолди.

Аёлни эъзозлаш бизнинг тарбиямизга синган. Ҳар қандай фарзанд ҳаётда онанинг ўрни алоҳида. Ай-



ниқса, бирор ташвиш тушса, энг аввало онамизга ёриламиз. Яхши хабар эшитсак, ичимизга сиймай биринчи онамизга айтаемиз. Нега? Чунки оначалик тушунадиган, қувончга шерик, қайғуга ҳамдард бўладиган зот йўқ.

Ўзбек хонадонидида ўғил-қиз бирга ўсиб, бирга вояга етади. Ака-сингил, опа-уқанинг бир-бирига меҳрибончилиги ҳам шундан. Эркак зотининг меҳри онасига ҳам, ёрига ҳам, опа-сингилларига ҳам барабар топилади. У аммасига, холасига, ҳатто қўшнисига ҳам меҳрибонлик қилади.

Юртимизда аёллар ҳақуқлари доимо эътиборда. Мустақиллик майдонида она ва болага ҳайкал қўйиб, эҳтиром кўрсатган давлат ер юзида бўлмаса керак. Қолаверса, ривожланишнинг кўпгина соҳаларида аёллар етакчи ўринга кўтарилиб бормоқда. Бугун партия фракцияларидан тортиб, депутатлар орасида ҳам улар ўз мавқега эга.

Ўзбек аёллари ниҳоятда меҳнатқаш. Баъзан уларнинг юмушини кўриб «жони темирданмикан», деб уйлаб қоласан. Ўзбек аёллари қиладиган ишни унча-мунча халқнинг эркаклари қила олмайди. Бир иборани доим айтиб юраман: аёл рўзгорга қарайди, аёл эрига қарайди, аёл боласига қарайди, аёл уй юмушларига қарайди, лекин аёл қачон ўзига қарайди?

Аёл бор жойда меҳр бор, аёл бор жойда муҳаббат мужассам. Халқаро хотин-қизлар кунини билан барча оналаримизни, аёлларимизни, онасингилларимизни чин юракдан табриклайман. Биз қанча хизмат қилмайлик, уларнинг меҳри, олижаноблиги, фидойилиги олдида ҳаммаша қарздормиз.

Бобур ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.

Advertisement for 'SHURTANGAZKIM' featuring a logo, text '«ШЎРТАНГАЗКИМ» МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ', and images of women in traditional dress and a modern building. Text includes: 'мўътабар онахонларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, лобар қизларимизни Халқаро хотин-қизлар кунини билан табриклайди!'.

Publication information: MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek, Mustafoyev, Muslihidin, Muhiddinov, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV, Tat'yana KISTANOVA, etc.

Subscription information: Qabulxonona — 233-65-45. Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Publication details: Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 360, 22072 nusxada bosildi.

Navigation and ISSN information: Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5